ФРАНЦУЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

ХОРАЗМ. Вилоятда 53 минг ўқувчи француз тилини ўрганмоқда. Бу ишга 439 нафар ўқитувчи жалб этилган. Янгибозорлик француз тили ўқитувчиси Ё. Худойберганова Франциядан малака ошириб қайтди. Урганч, Хоразм ва Қорақалпоғистон мактабларида француз тили ўқитувчиларининг 5 кунлик семинари бўлди. Йиғилганларни Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар табриклади. Тил ўрганаётган ўқувчи ҳамда уларнинг устозларига элчихона номидан совғалар иньом этилди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ХОТИРАСИ

САМАРҚАНД. ЎзХДП Пайариқ тумани кенгаши ташаббуси билан турли йилларда халқ ишига камарбаста бўлган Синдор Ҳамроқулов, Холмурод Тошканбоев, Хайрулло Сайдиев ва Салоҳиддин Йўлдошевларнинг хотирасига бағишланган шахмат мусобақасини ташкил этди. Дона суришдан олдин Қуръон тиловат қилиниб, марҳумларнинг руҳи шод этилди. Мусобақада эса Акмал Иқромов номли мактаб ўқитувчиси Муҳирбой Зулфиқоров, пайариқлик муҳандис Раҳматилло Қоржабоев, талаба Собиржон Ҳошимовлар фахрли ўринларни эгаллаб, эсдалик совғаларини олишга эришдилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

КОРХОНА ҲИСОБИДАН ОБУНА

ҚАШҚАДАРЁ. Яккабоғдаги "Оқ олтин" пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти турдош корхоналар орасида пахтакорларга қайишаётган жамоалардан бири. Боиси бу ерда қабул қилинган пахтанинг намлик ва ифлослиги учун чегирилиши 2-2,5 фоиздан оширилмайди. 520 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада ишчи хизматчиларга бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Чойхона, ошхона, болалар боғчаси ишлаб турибди. Ҳиссадорлик жамияти раиси Рустам Жўраевнинг гапига қараганда, 25 киши корхона ҳисобидан "Ўзбекистон овози" газетасига обуна қилинган.

Юнус УЗОҚОВ.

АФАНДИ ЭКРАННИ КЎЗЛАБДИ

ФАРҒОНА. Насриддин Афанди ҳақида яратилган фильмларни ҳамма билади. Вобкент қишлоғида Насриддиннинг яна бир бор экран юзини кўришига ҳозирлик кўрилмоқда. "Ўзбектелефильм" студияси ижодкорлари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма театри жамоаси билан ҳамкорликда "Насриддин Афанди" бадиий фильмини суратга олишни бошлади. Бош ролларни Э. Комилов, М. Холмедов, М. Юсуповлар ижро этишади.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак, иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 10 декабрь, сешанба № 157 (22.078).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Қимматли қоғозлар бозори

АКЦИЯДОР – ДЕМАККИ МУЛКДОР!

Бозор иқтисодиёти йўлига тушган қўёшли юртимиздаги шиддаткор ўзгаришлар боис орадан беш йил ўтар-ўтмас қанча янгилик соҳибмиз. Бугун эса республикамизда биз ҳавас қилган давлатлар ривожига ҳал қилувчи туртки берган қимматбаҳо қоғозлар бозори шаклланмоқда.

Наманган вилоятида бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Ҳозирда вилоятдаги аксарият йирик корхоналар хусусийлаштириб бўлинди. Бу иш олдинроқ рўёбга чиққан корхоналарда дуруст натижалар кўзга ташланиб қолди. Энг муҳими, акциядорга айланган корхона ишчи-хизматчисида мулкдорлик ҳисси пайдо бўлди, ишига муносабати ўзгарди. Масалан, Наманган шаҳридаги «Нотўқима» корхонаси айнан ҳиссадорлик жамиятига айлангач, янгиликка интилиш кучайди. Маҳсулот турлари кўпайди. Хориж инвестициясини жалб этишга эътибор ошди.

«Ўзнамтрикотаж» ҳиссадорлик жамияти эркин савдога чиқарган 1749 та номинал қиймати 811 сўм бўлган акциялар аллақачон ўз харидорини топди. Худди шунингдек, «Поп нон», «Том ёпқич ашёлар», «Наманганвино», Ҳаққулободдаги «Дори-дармон»га ўхшаган ўнга яқин ҳиссадорлик жамиятлари акциялари ҳам қўлма-қўл бўлиб кетди.

Вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси шу кунларда қимматбаҳо қоғозлар бозорини хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини изчил йўлга қўйиш орқали кучайтириш устида изланмоқда.

— Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг имкониятлари катта, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, бошқарма бошлиғи Ҳ. Абдураҳимов. — Бу, биринчидан, ҳамюртларимизни мулк эгалигига чоғлайди. Иккинчидан, қимматбаҳо қоғозлар бозорига иқтисодиётимиз ривожига катта куч ва имкониятлар бағишлайди.

Дарҳақиқат, республика ҳукуматининг шу йил 18 июндаги қарори билан тасдиқланган бу фондлар ва уларнинг Низомига кўра махсус дастур асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Учта хусусийлаштириш инвестиция фонди, иккита бошқарувчи компания ташкил этилди. Йирик, даромадлари жўяли бўлган 28 та ҳиссадорлик жамияти ўз акцияларининг 30 фоизи инвестиция фондларига ажратиб қўйилди. Бошқарма акцияларни сотиб олишни тўхтовсиз реклама қилиб боряпти. Худди шу мақсадда вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари ходимлари учун бир кунлик семинар ўтказилди.

«Олтин инвест» хусусийлаштириш инвестиция фонди вилоят бўлими фаолиятини тўкис бошлаётганлардан бири. Фонд вилоят ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, касаба уюшмалари, деҳқончилик саноати, фан ва халқ таълими ходимлари, тадбиркорлар вилоят ташкилотлари, «Наманган ҳақиқати» газетаси таҳририяти ва кучли хусусий фирмалардан иборат 10 та таъсисчи ҳомийлигида юзага келди. Қузатиш кенгаши вилоят бўлимининг раиси Сергей Мироновнинг таъкидлашича, фонд шу ойдаёқ биржа савдоларида иштирок эта бошлайди. «Бундан энг кўп нафни албатта акциядорларимиз кўришади» дейди у ишонч билан.

Шундай қилиб ижтимоий ҳаётимизга акциядорлар тимсолида янги табақа — мулкдорлар синфи кириб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, эҳтиёжидан ортиқ сармояни сандиққа ташлаш замони ортда қолди. Энди ҳамюртларимиз топган даромаднинг ҳар бир сўми, жумладан, хусусийлаштириш инвестиция фондлари орқали кафолатли муҳофаза қилинади, эгасига дивиденд шаклида фойда олиб келади, юртимиз равнақига ҳисса бўлиб қўшилади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЗУМ УРУҒИДАН ЁҒ

ФАРҒОНА. *Қўқон ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятининг Тошкент ёғ-мой комбинати билан ҳамкорлиги самарали кечмоқда. Қўқонликлар Тошкентга жўнатилган 125 тонна узум уруғи мойидан пойтахтликлар янги хилдаги маргарин ишлаб чиқара бошладилар. Бундай мойдан тайёрланган «Дилафрўз» маргарини сифати ва тўйимлилиги билан АҚШнинг «Карвер» фирмаси мутахассислари эътиборини тортмоқда.*

Алишер ИБОДИНОВ.



БОЛАЖОН, ҚУЁШГА ТУТАШ ЙЎЛЛАРИНГ, ДУНЁНИ ТУТИШГА ҚОДИР ҚЎЛЛАРИНГ...

Владимир ПАНОВ суратлавҳаси.

КИЧИК КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ. *Нишон туманидаги кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар кўпчиликка манзур бўляпти. Хусусан, «Лазиз» кичик корхонасида қандолат маҳсулотлари тайёрланаётган бўлса, «Оқмол» жамоаси совун ишлаб чиқармоқда. «Меъмор» кичик корхонасида тайёрланаётган қурилишбоп ғиштлар, «Чароғул»да ишлаб чиқарилаётган саноат моллари харидоргир ҳисобланади. Муҳими, бу кичик корхоналарда 150 нафардан кўпроқ киши ишга жалб қилинган.*

Шерхон ҚОРАЕВ.

Ватан маним ичимдадир

ЭНГ КАТТА ЮРАК

Кўксимда бир Юрак яшайди. Зарби ўзидан катта. Тафти қуёшдан-да иссиқрок. Ўтмиши узоқ. Ёшини... билмайман. Унинг йигирма милёндан кўпроқ томирлари бор. Исми — жисмига мос. Айтайинми? Кейин...

Ҳозир бошқа бир ҳикоя эшитинг.

ҚЎНҒИРОҚ: Сунбуланинг охири — энг қутлуғ байрамимиз — Истиклолимизнинг беш йиллиги арафаси эди. Телефон жиринглади. «Алло, Тошкентми?» «Лаббай, эшитаман». «Ассалому-алайкум! Саудия Арабистонидан саломлар бўлсин. Қутлуғ кун муборак, ватандош!» «Қуллуқ, қуллуқ, ташаккур! Сизларни ҳам қутлаймиз!» Бироз жимлик чўкди. Гўшакдан халиги одамнинг хаяжонли энтиккани шундоқ эшитилиб турарди. Сўнг махзун товушда «Биз она-Ватандан олисдамиз. Аммо битта сўз кўкрагимизни осмондай кўтариб турибди. У Ўз...» Ул ёқдан ҳазин-хозин йиғи овози эшитилиб турди. Сўнг...

Ўн кун ўтиб мактуб келди. Устига арабий ёзувда бизнинг манзил битилган. Ҳайрон бўлдим. Хорижда, бунинг устига Саудияда танишларим йўқ. Лекин икки йил бурун Марғилонда ёши саксондардан ўтган бир мадиналикка отахон билан сухбатлашган эдим. Ўшанда у киши кўп ғаройиб хотираларидан айтган ва менинг манзил-телефонимни ёзиб олувди. Узоқ ўйладим. Шу одам бўлса нега телефонда ўзини танитмади? Аксинча, фақат ўксиб-ўксиб...

Хатни шошилиб очдим. Нафисгина қоғозга бир калима сўз битилган: «Ассалому алайкум! Узр, шул топишмокнинг жавобини тез ёзиб юборинг. Мукофоти...» 10 та катакчага билинар-билинмас килиб доира шаклидаги ғалати чизма жойлаштирилган. У ёққа олиб қарайман, бу ёққа олиб қарайман. Ҳеч тополмайман. Бир ой ўтди. Яна хат келди. Яна ўша топишмокда ўнта катакча ва ўша айлана шаклидаги чизма. Нихоят, куни кеча кекса ватандошимнинг жумбоғига жавоб топдим. У...

Шошилманг, дўппини қўлга олинг. Айлантиринг. Яна айлантиринг. Энди кундуз бўлса осмонга — ёруғ Қуёшга, тун бўлса — тўлин Ойга қаранг. Улар ҳам айланяпти. Соат милларидай. Умр ҳам шундай кечаяпти. Ҳар биримизнинг умримиз ўтаяпти, умримиз... Ер шарининг Қуёш ҳам, Ой ҳам энг кўпроқ ёритадиган бир буржида беш йилдан бери ёркин НУР пайдо бўлди. Бу Нур тўрт тарафга ўзидан чакноқ шуъалар сочаётир. Унинг номини сўраяпсизми? У...

Тўғриси, дунёда нечта тил борлигини билмайман. Лекин қанча давлат борлигини тахминан айтиб беришим мумкин. Эшитишимча, хозирги кунда янги дунё харитаси тузилиб, ҳамма ёққа тарқатилаётган экан. Ана шу харитада Яратган бизларнинг пешонамизга ёзиб қўйган бир жарангдор ва ёруғ сўз энди ўзининг салобатли ва малохатли бўйини таратиши мукаррор.

ЎНГИДАН КЕЛАЁТГАН ТУШ: Ишонинг, сизга ёлғон, ўзимга чин. Беш йилки, фақат тушларим ўнгидан келади. «Боиси не?» — дерсиз. Билмадим. Фақат Ёруғлик, Окликка ўралган уйдан Мағрибу-Машриққа ғоҳ учиб, ғоҳ сузиб чиқаман. Таъбирини... Ўзимча шундай англаяпман: Худо ёрлақаган бизнинг замин лаҳза сайин ёришиб бораяпти. Айниқса, одамларининг кўнгли шу муқаддас хок янглиғ тозариб кетаётгандай назаримда. Унга осмон ҳам очиқ, дунё ҳам. У ёғида каттакон Манзил кўриняпти. Соф ўзбекча талаффузда эса бир кўшиқ куйланяпти:

Мангу ёруғ масканим маним,
Ўзбекистон —
Ватаним маним!

Э, энди топдим, азизлар! Ўша, бор умри бўйи битта қутлуғ сўзга талпиниб, уни соғиниб яшаган ва яшаётган ватанли ватандошимнинг топишмоғидаги ўша ўнта катакка Ў-З-Б-Е-К-И-С-Т-О-Нни жойладим. Қарасам улкан, чиройли шаклдаги Юрак пайдо бўлди. Топдим! ЮРАК—ЎЗБЕКИСТОН экан.

Ахир энди ўйланг, у шул муборак заминда яшаётган милён-милён қалбнинг кўксида тинмай уриб турибди. Ўзга юртларда яшаётган кондошларимнинг кўксида-чи? Эх-е, саноғини топмоқ осонмикан унинг?

Томирларга туташиб кетган вужуднинг хар бир зарра-заррасида окаётган қонимизга сиғиб кетган Ватан бу — Ўзбекистон, Ўзбекистондир!

Норқобил ЖАЛИЛ.

КЎРГАН ҚОЛАДИ

ТОШКЕНТ. *Қарийб 50 нафар отахон ва онахондан иборат мураббий фахрийлар гуруҳи қадимий шаҳарлар бўйлаб сафарда бўлишди. Улар давлат арбоби Шароф Рашидовнинг Жиззахдаги музейини томоша қилишди. Самарқандда соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ маънавиятимиз мероси ҳисобланган асрий биноларни кўздан кечиришди. Маҳбуба Қодирова, Муборак Азизова, Башорат Рустамова, Раҳима Исмоилова каби тажрибали ўқитувчилар ўз билганларини ёшларга сўзлаб беришга аҳд қилдилар.*

Анвархон АҲМАДҚОРИ ўғли.

Ўзбекистон автомобилсозлиги

«ДАМАС» ДОВОН ОШДИ

Қаҳрамон ҳожи Мамадалиев тантилардан. Тадбиркорликни ўрнига қўйиб, замонга ҳамнафас бўлишга интилади. Юрт кезишни хуш кўради. Яқинда у Тошкент сафарига отланиб, «Дамас»ни довондан қандай ўтишини синаймиз, деб қолди. Йўлга тушдик. Қамчиқ довонида «Дамас» елдек учиб, «Жигули»лардан ўзди.

— «Жигули»ни мақташарди-ку, — дедим ҳамроҳимни гапга солиб. Қаҳрамон ҳожи кўнглини очди.

— Бе... , «Дамас»га гап йўқ. — Довонда кўрдингизми, ҳеч қийналмади. «Жигули»лар қизигандан четга чиқяпти.

— «Дамас»ни бекорга танламапсиз-да.

— Бўлмасам-чи, — дейди ҳожи завқ билан. — Автомобиль олишда техникага муносабатни торозуга солмасанг бўлмайди. Бундан ташқари, оиламиз катта: қариндош, қуда-анда дегандек. Кейин «Дамас» икки «Жигули»даги одамни бағрига олади. Ёнилғини кам ейди.

— «Дамас»ни яна қанақа томонлари бор?

— Муҳими, «Дамас» деҳқонга маъқул. Рессорлари бақувват, унча-мунча юкни кўрдим, демайди. Ўриндиқлари ўрнига қовун-тарвуз, сабзавот ортса ҳам бўлаверади. Дала шароитида ичкарига чанг кирмайди. Яна, равон айвонда ўтиргандек йўлу атроф дарҳол кўзга ташланиб туради.

Суҳбатлашиб довоннинг «чўққиси»га кўтарилганимизни сезмабмиз. Тоғу тошлар узра оппоқ қор. Совуқдан машина ойналари буғланади. Печка мурвати буралди. Дарров илиқлик ёйилди.

— «Дамас» яхши, муаммолар йўқми?

— Энди бензин сифати, йўлларни равонлиги, сервис хизматига эътибор керак.

Довон ортда қолди. Тошкентга кириб бордик. «Дамас» дадил тоғ ошди. Қаҳрамон ҳожининг гапларию машинанинг юришидан бундай техникага меҳрим тушди. Ҳа, насиб этса албатта «Дамас» оламан.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЗГА ҲАМРОХ ГАЗЕТА

Муҳриддин ҲОЛИҚОВ:

«Мухлисларимни жуда эъзозлайман. Улар билан тез-тез мулоқотда бўлиш имкониятини яратдим ўзимга. Муштарий-мухлислар қанча кўп бўлса, санъаткор шунча илҳомланади. Янги қўшиқ туғилади».

Бор эга лекциялиг вилоятлари мухлиси шу... лекции шу...

Мухлисларни «Ўзбекистон овози»да ўқишини хоҳлайман.

Маҳмуджон Ҳўжаназаров.

5 декабрь 1996 йил.

Жиззахдаги 12-ҳунар-техника билим юрти директори Насрулла ЮСУПОВ:

«Элимизнинг машҳур ва табаррук кишилари газетага обуна бўлганларини эшитиб, биз ҳам «Ўзбекистон овози»га ёзилдик».

Миллат ва маънавият

КЎПНИНГ КУЧИ КАРОМАТ

Халқимизнинг неча-неча йиллардан буён эъзозлаб келаётган эзгу қадриятлари ва анъаналари борки, биз баъзан бу ҳақда ўйлаб ўтирмаймиз. Урганиб қолганмиз-да. Агар мазкур удумларга ўзгалар кўзи билан қарасак, мусулмончиликнинг асрлар мобайнида синовдан ўтган қирралари ёрқин намоён бўлади.

Ёз кунларининг бирида ҳамкасбларимиздан бири қизини турмушга чиқариш муносабати билан наҳорги ош берди. Тўй арафасида хизмат юзасидан Европа мамлакатларидан бирининг элчиси билан суҳбатлашганда, азбаройи дилдан гаплашганлари туфайли бўлса керак, хорижлик дипломатни тўйга ҳам таклиф қилибди. Бунинг ҳеч ғайритабиий жойи йўқ-ку, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, яқиндагина Тошкентда фаолият кўрсата бошлаган элчи ўзбек хонадонидаги тўйда биринчи бор бўлиши экан. У биз учун оддий ҳол бўлган манзарани кўриб ёқасини ушлабди. Қандай қилиб битта одам неча юзлаб меҳмонларни шу қадар лаззатли таом билан тўйдириши мумкин? Тўйга келаётган гурас-гурас одамлар адашиб кетмай, расамади билан жойлашишлари, уларга чаққонлик билан чой, кейин лаганларда ош олиб келиниши — булар бари худди моҳир режиссёр томонидан қўйилган спектаклни эслатибди. Қизиқувчанлиги ошиб учоқ бошигача борибди. Улкан дошқозонда сузилаётган ош ёш йигитчалар томонидан қулма-қул дастурхонга тортилаётганини кўриб баттар ажабланибди. Бу қандай халқки, топганини бир йўла шунча одам билан баҳам кўрса! «Агар менга ўзбек хонадонидаги тўй ҳақида бошқа биров гапириб берганида, худо ҳақки, ишонмасдим» деди элчи. Эҳтимол, у ўз Ватанига борганида бу ажиб ҳолат ҳақида гапириб берар, унинг сўзларига ҳам ишонишмас?

Мен эса ўзга юртдан келган одамнинг тасаввур доирасига халқимизнинг яна кўплаб анъаналари сиғмаслиги ҳақида ўйладим. Элчи тўй деб аталмиш одатимизнинг пировард ҳосиласини кўриб шунчалар ажабланяпти. Аслида бу кунга қандай тараддуд кўрилишини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Одатда ўзбегим хонадонида тўй бўладиган бўлса, аввало яқин қариндош-уруғлар билан маслаҳат қилинади. Уғиллар, мустақил ҳаёт кўриб кетган қизлар, оилага узвий боғланган куёвлар яхши кун — тўй учун керагича ёрдам беришга шай эканликларини изҳор қиладилар. Шундан сўнг тўй куни маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашган ҳолда белгиланади (Айни шу шарқона демократиянинг ёрқин белгиси эмасми?). Ана ундан кейин қариндошлар даврасида кенгайиб, қўни-қўшнилар қўшилиб, катта маслаҳат бўлади. Ошни ким пиширади, гўштни ким майдалайди, меҳмонларга пешвоз чиқиб дастурхонга таклиф қилиш кимнинг зиммасида, чой учун ким масъул, нон қачон тандирдан узиладию ким томонидан тарқатилади — булар бари икирчикиригача келишиб олинади. Мана шу маслаҳатда энг аввало ёши улуғ кишилар тўй режасини ҳаммага эшиттириб эълон қилишади. Ёшлар эса бу топшириқларга қулоқ қоқмасдан рози эканликларини айтишади. Худди шу ҳолатда жуда кўп нарса мужассам. Тартиб-интизом дейсизми, ўзбекона одобми, ҳавас қиладиган аҳиллиқми, кўпчиликнинг гапи озчилик учун қонун дейсизми?

Қани энди айтинг, юқоридаги одатлар вужуд-вужудига сингиб кетган халқ ҳаётига Ғарбнинг «соф» демократиясини тиқиштириш мумкинми? Абдулла Ориповнинг

Инсон қалби билан
ҳазиллашманг сиз,
Унда миллат яшар,
унда тил яшар.
Унда аждод фахри
яшайди сўзсиз,
Унда истиқомат қилади
башар,

— деган сатрлари бу саволга жавоб беради, деб ўйлаймиз.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 декабрь куни «Туркистон» саройида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда демоакратияни қарор топтиришда миллий ўзига хослик ҳисобга олиниши кераклигини ҳақли равишда таъкидлади. Чиндан ҳам, бу ҳаётий ҳақиқатни эътироф этсак ҳеч нарса ютқазмаймиз.

Халқимизнинг бағри кенглиги ҳақида кўп гапирамиз. Аммо шу очиқ кўнгиллик, кенг феъллилик миллий ўзига хослик эканлигини ҳамиша ҳам ўйлаб ўтирмаймиз. Бу мавзуда гап кетар экан кўп йиллар муқаддам — эндигина талаба бўлган пайтда хотиримда қолган бир ҳолат эсимга тушади. Нима бўлдию курсдошлардан учтамиз поездда бирга сафарга чиқдик. Биз жойлашган бўлмада ўрис миллатига мансуб бир йўловчи ҳам бор эди. Поезд жойидан қўзғалгач, ҳалиги ўрис халтасидан нон, пиширилган тухум, яна у-бу нарса олди-да, бизнинг кўз олдимизда чурқ этмасдан овқатланишни бошлаб юборди. Биз, эндигина катта ҳаётга қадам қўйиб келаётган талабалар бу ҳолдан таъсирланиб ташқари чиқиб кетдик. Энди тасаввур қилинг, ўша ўриснинг ўрнида ўзимизнинг оқсоқоллардан бири бўлганда аҳвол қандай кечарди. Аввало бир-биримиз билан танишиб олардик. Одатда ёши улуғ одамнинг ташаббуси билан бўлажак бу «процедура»да кимнинг қаерданлиги, у жойдан ким кимни таниши аниқлаб олинарди. «Қани, йигитлар, бир тамаддди қилиб олайлик» деб биримизга чой дамлаш, яна бировимизга проводниқдан туз олиб келиш топшириғи бериларди. Натижада бир пасда поезд бўлмасида аҳил давра узаро илтифот билан чойхўрликни бошлаб юборарди. Ғарбона индивидуализм бизнинг халқимизга қанчалик ёт эканлигини шу мисолдан билса бўлади.

Қани энди айтинг, бу гапларни Европадаги бирор халқ вакилига ҳикоя қилсангиз тушунадими? Асло. «Хўш, нима бўлибди?» деб елка қисиб турaверади. Поездга чиққандан кейин биров билан бировнинг нима иши бор дейиши мумкин. Бизда эса ундайларни ифодали қилиб «яккамохов» дейишади. Йўқ, бу ҳақорат эмас, бу таърифда индивидуализмга нисбатан нафрат бор. Жамоа тартибида яшаш бизга хос эканлигини тасдиқлайди.

Шу маънода бизда маҳалланинг қудрати алоҳида эканлиги табиийдир. Унча-мунча раҳбарнинг гапига кирмайдиган, бутун кучини ҳамёнидаги жарақ-жарақ пулларда деб ҳисоблайдиган корчалонни тартибга чиқаришнинг йўриғини биласизми? Бундай одамга ҳайфсан берсангиз пинагини бузмаслиги, ишдан бўшатсангиз ташвишланмаслиги мумкин. У ҳисоблашадиган битта жой бор, у-маҳалладир. Негаки, эртага хонадонида бирор тадбир ўтказганда ундан маҳалла юз ўгирса, обрўйи бир пул бўлишини билади. Одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган, аҳиллик қўрғони саналмиш маҳалла бугун мустақиллигимиз учун хизмат қилмоқда. Агар бизга демократия керак бўлса, бу энг аввало маҳаллалар орқали рўёбга чиқмоғи керак. Бу миллий ўзига хосликни ҳисобга олмаслик калтабинликдан бошқа нарса эмас.

Кўпчилиқ бир бурдадан берса тўйдирар, бир муштдан урса ўлдирар, дейдилар. Биз ана шундай халқнинг авлоди эканмиз, асрлар синовидан ўтган эзгу қадриятларимизни авайлашимиз керак. Ота-боболаримизнинг яхши фазилатлари билан фахрланар эканмиз, ортимизда ўсиб келаётган ва камол топаётган ёш авлод учун келгусида ифтихор қиладиган ишлар қилишимиз лозим. Бу ибратнинг маъноси, юртбошимиз айтганларидек, битта: у ҳам бўлса, она-юртимиз, Ўзбекистонга садоқатли фарзанд бўлиб хизмат қилиш, уни ёмон кўзлардан асраш, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жон фидо этишга ҳам қодир бўлишдир!

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
шарҳловчиси.

Янги замон одами

САРДОБАДА КЎНГИЛ ЁРИШДИ

Президентимиз халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясидаги маърузасида: «...Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари сурункасига бажарилмаяпти. Энди бу масалага жиддийроқ қараш, уни ҳар томонлама таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш пайти келди» деган эди.

Яқинда Оқолтин туманининг «Сардоба» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасида бўлганимизда жиддий хулосалар чиқарилиб, ишда ўнгланиш бўлаётганлигидан кўнглимиз ёришди. Бирлашма давлатга пилла, ғалла ва шоли сотиш йиллик режасини бажарган. Бир йилда қолоқликдан илғорликка кўтарилган. Туманда, биргина Сардобада ғалла топшириш режаси уддаланганлиги ҳам бизни таҳлил қилишга ундади.

Аввало, бирлашма раиси ҳақида икки оғиз сўз: Абдурасул Алиқулов 1980 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисодчи-ташкилотчи факультетини битирган. Сўнг, Оқолтин туманининг Абдулҳай Тоиров хўжалигида иқтисодчи, бош ҳисобчи, хўжалик раҳбари ва туман агрофирма раисининг биринчи ўринбосари каби вазифаларда ишлаб, катта тажриба тўплаган. Ёш, аммо серғайрат киши. Буни у раҳбарлик қилган А. Тоиров хўжалиги 1994 йилда вилоятда биринчи бўлиб пилла, ғалла ва пахта режасини бажарганлигидан ҳам кўриш мумкин. Ўтган йилнинг декабридан у Сардобага раис. Бу ерда пилла топшириш 2 тонна 700 килограмм ўрнига 2 тонна 800 килограммга, мавжуд 1301 гектар майдондаги ғалладан 2284 тонна ўрнига, 2290 тонна дон ва 25 гектар ердаги шолидан 38,4 центнердан ҳосил олишга эришиши кишини қувонтиради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этган қимматбаҳо саноат хом ашёси — пахта режасининг барбод бўлганлиги ҳақида қизиқамиз.

— Асосий сабаб чигитни кечикиб экишда, дейди Сардоба деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси Абдурасул Алиқулов. — Бизнинг шароитда ерни аввал суғориб, 20 апрелгача чигитни қадаб бўлган ютади. Шунда биринчи майда тўлиқ кўчат олиш мумкин. Ҳолбуки, бизда бу жараён май ойининг охири ва июнь ойи ўрталаригача давом этаяпти. Бундан ташқари, ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, иш ҳақини вақтида бериш лозим.

— Бунга эришиш борасида муаммолар, қийинчиликлар борми?

— У даврлар ўтди. Ҳа, деб қийинчиликларни рўкач қилмасдан ишлаш керак. Кам сарф-харажат эвазига кўпроқ фойда олиш, ортиқча ишчи кучини керакли юмушга жалб этиш, ишчилар меҳнатини қадрлаш орқалигина самарадорликка эришса бўлади, дейди Абдурасул ака.

Бирлашманинг «Зўлғайбол» деҳқон-фермер хўжалигидаги Хонжигит Билинбетов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан ўртача 52 центнердан ғалла олишга эришган. «Атамбой» номли хўжаликка қарашли Зарбулла Эсергапов бригадаси эса ўртача 40 центнердан хирмон кўтаришди. Ёки бўлмаса, бу йилги хўжалик йилида ҳам пахта топшириш йиллик режасини бажарган «Атамбой», «Мирзоқудуқ», «Бағара», «Зомин» каби деҳқон-фермер хўжаликларини бирлашма истиқболининг келажагига умид ва ишончини уйғотади.

— Бир йил давомида бирлашмадаги мавжуд 3300 гектар майдон ўз эгасини топди, дея оласизми? Сўраймиз Абдурасул акадан.

— Йўқ. Шунинг учун ислоҳотларнинг янгича йўл-йўриқларини қидириб топиш, бир хил шароитда икки хил ҳосилдорликка эришаётганларга чоралар кўриш пайида бўлаяпмиз. Ютуқларимизда Ўзбекистон ҲДПнинг хўжалигимиздаги бошланғич ташкилоти муҳим ўрни борлигини ҳам айтиш жоиз. Ташкилотда 199 нафар аъзо бор. Партиядошлар ишда ҳам, сиёсий, маънавий соҳаларда ҳам бошқаларга намуна. Бошланғич ташкилот котиби Раҳматулла Белоловнинг изланишлари, айниқса, Президентимизнинг Фармонлари, ҳукумат қарорларига эътибор қилиши ва барча мақсадларимиз муштараклиги кундалик ҳаётимизда сезиляпти.

Ўрим-йиғим тугагач, комбайнлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ҳозирда экиш тракторлари ва терим комбайнларини таъмирлаш олиб бориляпти. «Кейс» ҳайдов тракторлари орқали шудгорлаш ишлари давом этяпти.

Ҳозирда бирлашмада тўртта тегирмон, кичик оҳак цехи, каттагина ҳаммом, маиший ва сартарошлик хизмати нуқталари ишлаб турибди. 450 ўринли маданият саройи, кутубхона ва 2 та болалар боғчасининг мунтазам фаолияти ҳам ижобий хулосалар ясашга ундайди.

Бирлашма раҳбарининг тадбиркорлиги туфайли хўжалик боғларида етиштирилган 22 тонна олма Барнаул шаҳрига юборилган. Айирбошлаш туфайли у ердан 1 килограмм олма ҳисобига 1 килограммдан ун олиб келинган. Олмани кўрдик. Ҳозирда бозорларимизда сотилаётган энг арзон — 15-20 сўмлик олмадан.

Агар, 1280 гектар майдонда «Ёнбош» ва Россиянинг «Юна» уруғи сифатли экилгани, нав-ниҳолларнинг тўлиқ сувдан чиқарилиб, ўғитлаш ишлари намунали олиб борилганлигини ҳисобга олсак, вилоят Кенгаши сессиясидаги юртбошимизнинг танқидидан тўғри хулосалар чиқарилганлигини пайқаш қийин эмас. Таҳлилларимиз охирида ернинг тилини биладиган, унга тўғри ташхис қўядиган, керак бўлса катта элда тарозини тенг олиб борадиган Абдурасул Алиқуловдек ёш, тадбиркор раҳбарлар Сирдарёда кўплигини айтиб ўтмоқчимиз.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОТА ҲУНАРИНИ ОЛГАН КАМ БЎЛМАС

ХОРАЗМ. *Отабой ога-иниларини тўплаб, маслаҳатлашди: «Отамизни «Қўшкўпирлик Саъдулла уста» деб эъзозлашади. Уясаган от-арава-ю, дурадгорлик жиҳозлари ҳатто хорижликларда ҳам ҳавас уйғотган. Наҳот, отамиз ҳунарини давом эттиролмасак?» Бу гап уларга маъқул келди. «Бахт» хусусий корхонаси очилди. Унга Бектурди, Йўлдош, Файзулла, Отабек, Давронбек, Одилбеклар аъзо бўлишди. Бартер усулида ёғоч материаллари келтирилди. Ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Улар бу билан чекланмай, фермер хўжалиги ҳам тузишди. Аввал 20 бош қорамол боқишаётганди, энди эса жониворлар сони 50 тага етди. 10 гектар майдондаги шолидан ҳам, озуқабоп экинлардан ҳам мўл ҳосил кўтарилди.*

Қурбон
МУҲАММАДРИЗО.



Мана буни фаввора деса бўлади.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Шу йилнинг 7 декабрь куни Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидаги Ўрикзор даҳасида яшовчи Ғ. Салиҳовнинг уйида ёнғин содир бўлиб, воқеа жойидан уй эгаси ҳамда унинг турмуш ўртоғи ва икки нафар қизининг мурдаси топилган.

Зудлик билан олиб борилган тергов ҳаракатларидан шу нарса маълум бўлдики, ушбу ёнғин тасодифий эмас, балки жиноятни яшириш мақсадида амалга оширилган.

Ҳозирда мудҳиш жиноятни содир этган Сиддиқов, Султонов ва Бобохоновлардан иборат жиноий гуруҳ ҳибсга олинди. Яна шу нарса аниқландики, ушбу жиноятда жабрланувчининг 20 ёшли ўғли ва уларнинг яқин қариндошларидан бири ҳам иштирок этган

Тергов ҳаркатлари давом этмоқда.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КЎЗИМ ЧИҚСИН... КЎРГУНЧА БУНДОҚ»

Маданият ишлари Бош бошқармаси шуни маълум қиладики, газетанинг 1996 йил 17 август сонида эълон қилинган «Кўзим чиқсин... кўргунча бундоқ» сарлавҳали мақола Тошкент шаҳри маданият ва истироҳат боғларининг директорлари ўртасида муҳокама қилинди. Муҳокамага «Ўзбекистон миллий боғи»нинг жамоаси ҳам таклиф қилинди. Муҳокама чоғида иштирокчилар томонидан боғнинг қаровсиз қолгани ҳақида танқидий фикрлар айтилди ва инобатга олинди. Мақолада таъкидланган муаммолар ҳақиқатан тўғри ва маданият бошқармаси кўрсатилган камчиликларни тан олади. Лекин баъзи камчиликларни бартараф этиш учун зарур имкониятлар мавжуд эмас. Маблағ етишмагани туфайли сув тўлдирилаётган пайтда кўлнинг таги тўла тозаланмасдан қолди. Шунинг учун ҳозир кўлни тозалаш бўйича кўрилаётган чоралар керакли натижа бермаяпти. Дарвоза томи масаласига келсак, у шаҳарнинг меъморий ёдгорлиги ҳисоблангани учун маданият бошқармаси ва боғ маъмурияти уни мустақил равишда ўзгартириш ёки таъмирлаш ҳуқуқига эга эмас.

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу марказий дарвозани қайтадан тўбдан таъмирлашда ёрдам сўраб Бош бошқарма 1996 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасига мурожаат қилган. Ундан ташқари, 1996 йил 8 апрелда шу масала юзасидан ишлаб чиқилган сметалойиҳасига асосан 18 млн. сўм ажратиш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимлигига хат билан мурожаат этилган. Аммо таъмирлаш учун ажратилган маблағ тўлиқ бўлмагани сабабли шу йилнинг сентябрь ойигача «Ўзбекистон миллий боғи»да фақат 585,5 минг сўмлик ободонлаштириш ва тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилган. Шулардан 110,7 минг сўм боғнинг бош дарвозасини таъмирлашга сарф этилган.

Ҳозирги кунда ушбу масалани ҳал этиш учун боғ раҳбарияти томонидан чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Ишчи кучи етишмаслиги туфайли чиндан ҳам боғ ҳудудининг бир қисми талабга жавоб бермасди. «Ўзбекистон миллий боғи» республикамизнинг фахри эканлигини инобатга олиб, у ердаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш, боғ ишларини янада яхши йўлга қўйиш мақсадида унга республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Собит Маматов директор этиб тайинланди. Унинг иштирокида республикамиз мустақиллигининг 5 йиллиги байрамига зарур чора-тадбирлар кўрилди, боғ ҳудуди тартибга келтирилиб, оммавий-маданий тадбирлар ўтказилди. Боғ фаолиятини ва унинг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан ҳам қатор тадбирлар белгиланди. Тубдан таъминлаш бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун маблағ ажратиш масаласи ҳал этилмоқда.

Рустам ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳар ҳокими
маҳкамаси маданият ишлари
Бош бошқармаси бошлиғи.

БУХОРО МАРМАРИ ЖАҲОН КЕЗАДИ

БУХОРО. Вилоятда қушма корхоналар сони яна биттага ортди. Когон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида «Мармар» деб номланган Узбекистон — Америка қушма корхонаси иш бошлади. Корхона йилига Италия технологияси асосида жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган 300 минг погонметр мармар ишлаб чиқаради. Шуниси қувончлики, корхона маҳсулоти четга сотилиши билан бирга Бухоронинг тарихий обидаларини безашда ҳам жуда қўл келмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг 67-мавсумий очилиш маросими бўлди. Муҳлислар ичи қайта таъмирланган театр биносига кириб келганларида эртаклар оламига тушиб қолгандек бўлдилар. Маросимда санъаткорлар томонидан янграган куй ва қўшиқлар меҳмонларни ҳамда ўқувчиларни янада қувонтирди. Таниқли актриса, театрнинг кекса актёри Манзура ая Ҳамидова янги мавсумнинг бошланиши билан меҳмонларни, бутун театр жамоасини қизғин кутлаб, ўзининг доно ўгитларидан сўзлаб берди ҳамда митти томошабинларга янги йилда янги-янги асарлар тақдим этажакларини айтди. Сўнг театр жамоаси иштирокида «Минг бир кеча» спектакли намойиш этилди.

Маъсуда ЁҚУБОВА.

Турмуш сўқмоқлари

УНУТИЛГАН ЧОРИҚ

Шаҳарнинг қадимий маҳалласида доиранинг гижбадабангидан осмон чоки сўкилай дейди. Кўчани тўлдириб ўтаётган болакайларнинг қийқириғи доира зарбидан ўтиб тушади. Ана, куёв келди чоғи, ноғоранинг ҳам чакаги очилди. Каталакдек бу ҳовлида эса худди зимистон: На боланинг, на аёлнинг ҳиди сасқувончи, келади. Ўрта бўй, чайир бўлса ҳам қомати хил эгилган Зафар Шодмон нимқоронғу супа саҳнида у ёқдан бу ёққа тажанг одимлашдан безимайди.

— Қўшниларда ҳам оқибат қолмабди-я, — дея у лабидаги сигаретни чайнайди. — Яхшиликни билмаган кўрнамаклар. Ҳаммасига салавот, дея лоақал кўнгил учун, тил учида бўлса ҳам тўйга ўтинг, дейишмади! Ҳа, сенларнинг...

Зафар Шодмондан бугун шодонлик юз ўгирганди. Қизиқ, кеча Раҳмат отанинг таъзиясига борди — ҳеч бир кимса мулозамат кўрсатмади. Йўл-йўлакай катта ариқ бўйидаги дўконга атайин кирди. Дўкончи у ёқда турсин, мудом кундашунда Мамат носкаш ҳам қайрилиб қарамади-я! Алам қиларкан, кимсан бутун бошли туманни оёққа қалқитиб юрган Зафар Шодмон энди оёқости бўлса?! Ахир, нима бўляпти ўзи? Шароитга қараб ишламадими? Ишлади. Туманнинг обрўсини «кўтарди». Ҳар қалай ўзини ҳам ўйлади, ўзгаларни ҳам. Кам бўлгани йўқ. Бошқалардек йиртиқ чопони билан қолгани йўқ. Кўрса кўргулик ҳовли, қўша-қўша машина, ҳамён бутун. Фақат бойлик қўлнинг кири экан. Обрў эса...

Бугун ҳаммасидан бир йўла енгил бўлгани алам қиларкан. Бунинг устига ёши элликка бормай, қисматида ёлғизлик битилгани-чи? Ҳаммасига қўйнига олма бўлиб кириб, илон бўлиб чиққанлар-ҳамтовоқлари сабабчи. Амалдан тушдингми, юзингга лой чаплатишади, унутишади. Ҳа, қайси бир шоирнинг китобида: мансабдамисан— соянгга салом бергучилар кўп, деб ёзилганди. Майли, майли, яна фалак унга қиё боқар, ўшанда кўришади улар.

Шу ўйлар билан Зафар Шодмон супада узоқ туриб қолганини пайқамади. Эти жунжиккач, хонага кирди. Равоқдаги раҳматли онасидан қолган жомадонни чироққа яқинроқ олиб келди. Очди, ичида сарғайган расмлар. Бир-бир кўз югуртирди. Мана, болалиги акс этгани: эгнида чит кўйлак, елкасида бўздан тикилган сумка, жингалак сочи қурумсоқ гавдасига ноўхшовдек. Ҳа, болалиги уруғдан кейинги йилларга тўғри келди. Онаси уни ҳеч кимдан кам қилмади, отаси ўрнини билинтирмади, ўқитди. Онаизор унга ҳар гал бир ривоятни такрор-батакрор сўзлаб берарди: Бухоронинг қайси бир туманида Чориқулбой ўтган экан. У аслида юпун бўлиб ўсган, кимлар учундир чўпонлик қилган. Орттирганига қўй олган. Кунлар ўтган, унинг қўйлари сони кўпаяверган. Энди у Чориқул эмас, Чориқулбойга айланган. У айнимаслик учун оёғидаги чориғини уйнинг остонаси тепасига осиб қўйган. Ўшанда айримлар бу нимаси бой дейишганда:

— Ҳар гал уйга кирганимда пешонамга урилиб, кимлигимни эслатиб туради. Инсон ҳар қандай даражага эришмасин, чориғини унутмаслиги керак, — деб жавоб берган экан.

— Ана, уқдингми болам, мудом бу ривоят ёдингда бўлсин!

Афсуски, вақти келиб амалдор бўлганда она ўгитини бутунлай унутди. Амал васвасаси қалб кўзини хиралаштирди, юрагини тошга айлантирди. Пайқамади. Устозларини унутди, сиз тили санга борди-эътибор қилмади. Мол-дунёга ҳирс қўйди, шу боис амал курсиларини сотди, бер-бердан нарига ўтмади. Қорни тўйгач, кўнгил кўчасига эрк берди.

Қўшни ҳовлидаги тўй давраси Зафар Шодмонга таниш овозли киши очди чоғи, у бир сесканиб тушди.

— Ҳа, аблаҳ! Қадами шу ергача етдими унинг? Овозининг баландлигини қара, кеча юрувдинг, панапасқамда...

Зафар Шодмон оёғи узангида бўлган кезларида Маҳмуд паҳлавон деган ҳосилот бўларди. Қайсидир йиғинда «катта»га тик гапирса бўладими? Зафар Шодмон уни шартта ишдан олганди. Паҳлавон ҳам мардлик қилиб туманни тарк этганди. Аммо бир маъракада Зафар Шодмонни шундай чўқидики, унинг патлари тўзғиди. Ҳаммасидан воқиф экан. Орадан кўп ўтмай тафтиш бошланди. Ҳаммаси тамом, сирлар очилди, хайрият, у ёққа кетишига бир баҳя қолди-я!

Зафар Шодмонинг елкасига нимадир зарб билан урилди. Унинг ўтакаси ёрилишига сал қолди. Бу қора мушук эди. Унинг оғзида сичқон, қизғанганича ташқарига чиқиш йўлини пойларди.

— Падарингга лаънат сени, — довдираб қолган уй эгаси эсини йиғиб олиб мушукка кулдонни ирғитди, — нонкўр! Сендан ит афзал. Афсуски, онамдан қолган ит ҳам мени тарк этди.

У эшикни очди, мушук ташқарига ўқдай отилди. Зафар Шодмон чойнакдаги совуқ чойдан ҳўплади. Сўнг кўкрагига тупуриб қўйди. Пружинаси кўриниб қолган диванга ҳолсизгина ўтираркан, кўзи онасининг девордаги суратига тушди. Нигоҳи суратга бардош беролмади. Чунки, онаси унга: «Ҳаммасига ўзинг сабабчи, айтганимни қулоғингда тутмадинг, ўлсам опичлаб кўмарсан девдим...» деяётгандек эди.

Ҳа, фарзандлик бурчини бажара олмаганидан энди бир умр азобланиб юради. Кўчага чиқолмайди, элдан уялади. Эсида, ўшанда онаси бетоб эди. Даволатса, бошида парвона бўлса бўларди. Қўли узун, хизматини бажо этувчилар кўп. Хизматчи ёллаб, ўзи она розилигини олмай марказдаги хушторинликка кетди. Она эса эски ҳовлида бетоб. Оғзига сув томизадиган кимса йўқ. Васияти ичида қолди шўрликнинг. Кампир бандаликни бажо келтирди. Каттанинг онасини маҳалладагилар тупроққа топширишди. Ўғил эса маишатдан ортиб, кампирни сўнгги манзилга кузата олмади. Онани дафн этишгандан кейин келган ўғил қабр тепасида тиловат қилмай, бош кийимини олганича серрайиб тураверди, кўзи-дийдаси қотган эди. Орадан анча кун ўтгач, Зафар Шодмон элга катта ош бериб, онасининг ҳоки устига сўлахмондек тош қўйди виқор билан. Қарзни тош қўйиш деб тушунган «катта»га ҳамма кампирнинг савобига қолдингиз, Зафар Шодмонович, дея далда беришди.

Ҳаётда ҳамма нарсанинг ўлчови, меъёри, охири, чегараси борлигини Зафар Шодмон кеч тушунди. Оқибатсиз аёли, «тарбия» кўрган ўғли, сизнинг фикрингиз тўғри, ака, дегувчи ўртада сарсонлик даврадошлари қани? Қисмат деганг шумикан? Ҳеч бир кимса Зафар Шодмондек чориғини унутмасин!

Даврон БАҲРОНОВ.

Депутат минбари

ХАЛҚ ОЛДИДА ҚАРЗИМИЗ КЎП

Навоий шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Бахтиёр Ҳамдамов билан мулоқот



Суҳбатдошимиз хусусида. 1955 йилда туғилган Б. Ҳамдамов 1977 йилда Фарғона политехника институтининг муҳандис-механиклик факультетини тугатган. Илк меҳнат фаолиятини Навоий цемент заводиди оддий таъмирловчиликдан бошлаган. 9 йил давомида шу заводда цех мастери, бош механик, директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. 1986-1992 йиллар давомида эса Навоий шаҳар ижроқўми раиси муовини ва раис сифатида фаолият кўрсатган. Мана, қарийб беш йилдирки, мазкур шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келмоқда. Оилали, 3 фарзанди бор.

— Бахтиёр Иброҳимович! Маълумки, Навоий шаҳрининг мамлакатимизда ўрни ва мавқеи алоҳида. Кенг кўламли саноати, ишлаб чиқариш қамрови уни жаҳонга танитмоқда. Шундай экан, дастлабки саволни шаҳардаги туб иқтисодий ислоҳотлардан бошласак. Айтингчи, ўтган 5 йил яъни, мустақиллик даври шаҳар учун, унинг аҳолиси учун нималар берди?

— Дарвоқе, асосий фаолиятим амалда истиқлол йилларига, ўзгаришлар, бурилишлар даврига тўғри келди. Уйлаб қарасам марказ ҳукмрон йилларида кўзи очиқ басир сингари ўзимизни-ўзимиз алдаб-авраб юрган эканмиз. Шунинг учун ҳам ишимизда унум-барака йўқ экан. Доруломонликни қарангки, элимиз ҳақ-ҳуқуқини англаб етиб, оқ билан қорани ажратиб олди. Эндиликда хусусий мулк деган тушунча ва туйғуга эга бўлдик. Ҳозиргача Навоий шаҳридаги айтарли барча турар жой бинолари аҳолига шахсий қилиб берилди. Бугун шаҳарда юздан ортиқ хусусийлаштирилган кичик корхоналар фаолият кўрсатяпти.

Хуллас, шаҳримизни кимёгарлар, нурчилар, саноатчилар шаҳри, дейишади. Агар мазкур шаҳарга 1958 йил 3 сентябрда пойдевор қўйилган бўлса, шундан буён 18 та гигант саноат корхонаси қуриб, ишга туширилди. Бунга мисол қилиб, тоғ металлургия комбинатини, Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасини, ГРЭС, «Электрохимия», машинасозлик ва цемент заводларини кўрсатиш мумкин. Мустақиллик шарофати туфайли бу корхоналар ишлаб чиқариши тубдан ўзгарди. Табиатга, инсон саломатлигига зиёни бўлган қатор кимёвий маҳсулотлар — изофень, которан ишлаб чиқариш тугатилди. Уларнинг ўрнига кир ювиш машиналари, машинасозлик дастгоҳлари, турли шампунлар тайёрлашга киришилди.

Агар олтмишинчи йиллар бошида бармоқ билан санарли қурувчи ва бунёдкорлар бўлса, айни пайтда бу афсонавий шаҳарда 86 миллат ва элатга мансуб, 125 минг киши истиқомат қиляпти. 17 та кичик туман ва 30 маҳаллага уюшган бу аҳоли бунёдкорлик ишлари ва ташвишлари билан банд. Биргина саноат корхоналарининг ўзида ўтган 11 ойда 9 миллиард 800 миллион сўмлик кимё ва саноат моллари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 1 миллиард 820 миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмол моллари тайёрланди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан анча юқоридир.

Нафақат шаҳар саноати, балки қурилишида ҳам юксалиш сезиляпти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 10 минг 954 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой қурилишига эришдик. Натижада уруш ва меҳнат фаҳрийлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 350 тасини замонавий турар жой бинолари билан таъминладик.

— Сиз 76-Навоий сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига сайланган эдингиз. Мана, шунга ҳам икки йил бўлмоқда. Халқ хизматкори сифатида қандай фаолият кўрсатяпсиз?

— Ҳокимлик — хизмат вазифам саналса, депутатлик— бу элимга, юртимга кўрсатган садоқатим билан ўлчанади. Маълумки, ноиблик обрўга, ҳурматга эришмоқлик эмас, аслида елиб-югурмоқлик, эл дардига шерик ва камарбаста бўлмоқликдир. Ҳоким сифатида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг кўркига-кўрк қўшишни ўйласам депутат сифатида ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларга кўмак беришга ҳаракат қиламан. Бироқ, депутатлик хонамдаги қабул кунларимда кишилар бир-биридан чигал муаммолар билан киришадики, баъзан бош қашишга ҳам вақт тополмайсан. Шаҳар табиати муҳофазаси, аҳолини ичимлик тоза сув билан таъминлаш, қиш мавсумида уй-жойларни иситиш сингари муаммолар фаолиятимнинг асоси саналади. Ёки уй-жой учун навбатда турганларчи? Омонат дафтарчаларидан индексация қилинган пулларини вақтида ололмасликчи?

Ҳар гал сайловчиларим билан учрашганда, бажарилган, ижроси таъминланган ишлар бўйича ҳисоб берганда ўзимга ўзим: «Нима қилдим, нима қилишим керак?» деган савол бераман. Қурилиши чўзилган мактаблар, болалар боғчаси ва ясли-лар учун вақтида маблағ тополмаётганимдан ич-ичимдан эзиламан. Олий Мажлис сессияларига борганимда ҳам, қонунлар лойиҳалари муҳокамасида ҳам фуқаролар ижтимоий ҳимояси, манфаати учун қайғураман. Худди шу ва шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар самараси боис бутун шаҳар аҳолиси Дамхўжа сувини ичмоқда. Барча кичик туманлар ва маҳаллаларда истиқомат қилувчилар иссиқ ва совуқ сувга эга. Экологияга зиёни бўлган «Электрохимия», «Навоийазот», «Машинасозлик»дек йирик саноат корхоналарида айрим зарарли цехларни замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозлаш, уларнинг бешовқин, бечиқит ишлашини таъминлашда хайрли ишлар қилинди.

— Бахтиёр Иброҳимович, Навоий саноат шаҳри экан, уни хориж тажрибаси ва андозаси даражасига кўтариш шу куннинг муҳим вазифасидир. Бу борадаги ишлар хусусида ҳам тўхталсангиз?

— Мустабидлик даврида чет эл технологияси ҳақида тушунчага ҳам эга эмасдик. Истиқлол туфайли бугун серқуёш Ўзбекистонни жаҳон танийди. Ана шундан бўлса керак, ҳозирги кунда ҳар бир саноат корхонамиз Япония, Хитой, Италия, Корея, Олмония, Туркия каби йирик мамлакатлар фирма ва компаниялари билан қатъий ҳамкорликка, шартномага эга. Ана шуларнинг меваси ўлароқ айни пайтда цемент заводида 50-70 килолик қопларда қадоқланган цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, жаҳон бозорига чиқиш мақсадида рангли цемент тайёрлашга киришилди. Бундан ташқари, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида андижонликлар тажрибасини кенг ёйиш мақсадида чигит экишга мўлжалланган махсус плёнка жорий этилди. Аслида бундай плёнка Ўзбекистонга Хитойдан валютага келтириляпти. Энди бўлса у Навоийда тайёрланади.

Яна бир хайрли иш— плёнка остига чигит экиш мосламасини ҳам Навоий саноат корхонаси — «Машинасозлик» заводида ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётганидир.

— Кейинги савол — ҳокимлик тизими ва кадрлар масаласидир. Қаерда етук, ишбилармон кадрлар кўпчиликни ташкил этса, ўша жойда муваффақиятлар кўлами ортади. Бу ҳақдаги фикрингиз...

— Тўғри таъкидладингиз. Ютуқлар, иқтисодий тараққиёт, аввало кадрларга, уларнинг масъулиятига, виждоний бурчига боғлиқ. Ана шуни ҳис этган ҳолда ўзим ҳам шогирд сифатида устозлар — Н. Кучерский, В. Иванов, Ҳ. Ғаффоров сингари Олий Мажлис депутатларига таянаман, улардан ҳамиша маслаҳатлар оламан. Ўз навбатида мен ҳам шогирдларга, ҳамкасб кадрларга йўл-йўриқ кўрсатаман, мураббийлик қиламан. Қатиққўл, ошна-оғайнигарчиликка муросасиз бўлган муовинларим, бўлимлар раҳбарларига ишонган ҳолда суянаман. Ана шундан бўлса керак, хато ва камчиликлардан, ўзи бўларчилик кайфиятидан анча йироқмиз. Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятлари кенгаши сессияларида асосан кадрлар масъулиятини, талабчанлигини ошириш, уларни жой-жойига қўйиш, айниқса малакали, ёш кадрларни тарбиялаш хусусида куюнчаклик билан гапирди. Порахўрлик, юлғичлик, бировлар ҳақига хиёнат қилиш каби иллатларни кескин қоралади.

Бу биз учун мактаб бўлмоғи даркор. Ҳокимлик соатларида ҳам, ишчи йиғилишларида ҳам жойлардаги кўчма семинарларда ҳам шиоримиз: интизом, қатъий тартиб, ишга онгли муносабат.

Бўлажак Олий Мажлис VII сессияси кун тартибига республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим масалалар муҳокамаси киритилган. Айниқса, адвокатура тизимини такомиллаштириш, журналистлар касб маҳорати масалалари фикримиз далилидир. Бундай қонунлар лойиҳасининг биз депутатлар муҳокамасига қўйилиши муштарак мақсадларни ўз ичига олади. Ёки олдинги сессияда биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, халқ муҳокамасига қўйилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тасдиқлаш яна сессия кун тартибига киритилгани ҳам республикамиз ҳаётида муҳим воқеликдир.

— «Ўзбекистон овози» газетаси ҳақида фикрингиз...

— Мазкур газетани, бутун республикада бўлгани каби, Навоийда ҳам ихлосмандлари жуда кўп. Ҳозиржавоблик, иқтисодий ислоҳотларга оид ранг-баранг мақолалар ушбу газетага хосдир. Шунинг учун ҳам ҳар йили биринчилардан бўлиб. «Ўзбекистон овози» га обуна бўламан. Тилагим янги йилда ҳам газета асосий жарчинома бўлиб, унинг муштарийлари сони янада ошаверсин!

Суҳбатдош:
Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАЛАБИ

Молдавиянинг янги Президенти Пётр Лучинский Россиянинг Молдавия худудида жойлашган қўшинларини тезроқ олиб чиқишга даъват этди, деб хабар беради халқаро ахборот агентликлари. У Россия томонини 1994 йилнинг октябрь ойидаги икки томонлама келишувга биноан ўрнатилган муддатда ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишини талаб қилди. Тўғри, ҳозирча бу ҳужжат Россия давлат думасида ратификация қилинмаган. Илгари юқори лавозимдаги совет раҳбари бўлмиш Лучинский Россия—Молдавия ўртасидаги асосий шартномаларга қисқа муддатларда қўл қўйиш кераклигини уқтирмоқда. Шу билан бирга собиқ Президент Мирча Снегур Лиссабондаги саммитда сўзга чиқиб, Россия қўшинларини Молдавиянинг Шарқий қисмидан олиб чиқишга даъват этди. Ҳозирча Днестр бўйида жойлашган 6500 кишилик Россия аскарлари ўзга давлатда ҳамон туришибди.

АРМАНИСТОНДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ НАРХИ ОШАДИ

Арманистон Бош вазири Армен Саркисян 1997 йилнинг январидан электр энергиясига тўланадиган ҳақ 40 фоизга ошади, деди. Саркисяннинг сўзларига қараганда электр энергиясига тўланадиган ички ҳақ жаҳон стандартларига тўғри келадиган бўлармиш. Ҳозирги кунда Арманистонда электр энергияси етишмаяпти. Шу боис қиш пайтида ундан тежаб фойдаланиш нормалари белгиланди.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Литва Президенти Альгирдас Бразаускас Бош вазир Гедиминас Вагнориус томонидан таклиф этилган янги Вазирлар Маҳкамаси таркибини қўллаб-қувватловчи Фармонга имзо чекди. «Ватан» иттифоқи янги ҳукуматда энг кўп — II вакилга эга. Христиан-демократлар партияси—3, Марказ Иттифоқи — 2 ва саноатчилар конференцияси бор-йўғи бир вакилни янги Вазирлар Маҳкамасига киритишга муваффақ бўлишди.

ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ АҲВОЛ ЯХШИ

Чехия Президенти Вацлав Гавел ўпкасининг ўнг томони операция қилингач унинг аҳволи бирмунча яхши, деб хабар беради матбуот котиби Ладислав Спасек. Операция шу ҳафтада бўлиб ўтди. Гавелнинг ўпкасидаги хавфли шиш олиб ташланди.

Обуначи бурчаги

БУНАҚАЛАР КАМ...

Кўчанинг бошида биқинига «Оби нон» деб ёзилган пастқамгина машина қуриниши биланоқ ҳар ер-ҳар ерда навбат кутиб турганлар магазин олдига ёпирилишди. Халатининг оқлигиям билинмай кетган амаки нон туширар экан, ҳаммаёққа ёқимли ис таралди. Сотувчининг қўли-қўлига тегмай нон сота бошлади. Кимдир сумкасига уриб тиқди, кимдир халтасига бостириб солди. Яна кимдир ҳозир уйига бориб болаларига едирадиган нонни «ялтиллаб» кетган костюми барига солиб, қўлтиғига қистирди. Навбатнинг охирроғида буларга разм солиб турган отахоннинг дили оғриди: «Нонга ҳурмат шуми? Худонинг қаҳри келмасмикан буни кўриб. Шунча арзанда бўлса ҳам одамларнинг кўзи очилмас экан-да...»

— Отахон, сизга нечта? — сотувчининг саволидан ўзига келган қария ёнида ҳамиша олиб юрадиган елим халтасини очди-да:

— Қўлимни урмай, болам, пул ушлаганман, бешта сола қол, — деди.

Нонни аваллаб олиб кетаётган отахон ортидан қараб қолган сотувчи «бунақалар камда, ҳозир», дея сўз қотди.

ЖОЗИБАНИНГ АСИРИ

(Оилали йигит тилидан)

Ҳамма гап ўзимда. Нима қилай, чиройли аёлларни яхши кўрсам. Хотинимдан дакки эшитиб, тавба қиламану, аммо кетворган қизларни кўрсам яна кўзим қувнаб кетади. Гап отмай ўтолмайман. Аммо... мен ахмоқ чирой фақат юзда, деб ўйларканман, панд едим, қаттиқ панд едим...

Ишхонага янги ходима келди. Жуда сипо, ортиқча ҳазил-ҳузулни кўтара олмайдиган хилиданга ўхшади, таништиришганда. Кийиниши, юриш-туриши ҳам ўзига ярашадию, киши эътиборини унча тортмайди. Ҳа энди, ўртача-да... Лекин дастлаб саломлашганимда унинг қўлини кўксига қўйиб, ярим табассум ила бироз бошини кўтариб кўз қирини ташлаганда, худо ҳаққи, юрагим «жиз» этти-ёв. Ғалати бўлиб кетдим. Ҳар куни идорада шу аёл билан неча марта учрашиб қолсам, шунча саломлашишга тайёр эдим. Аёллар билан гаплашиб турганини кўрсам кўзимни ололмайман. Муомаласи бирам маънили, ширинки, гапларига тўймайди киши. Унинг ўша табассумидами, кўз қирини ташлашидами, қўли кўксида саломлашишидами, шунча пайтдан буён чиройлиларда учратмаганим аллақандай жозиба бор эди. Эй воҳ, наҳотки чиройдан ҳам гўзал бўлса бу жозиба! Нечун ҳамма чиройлилар жозибали бўлмасийкин?!

КЎНГИЛ МУЛКИ

Ҳаёт кузатувлари

• Сиз жуда бойсиз, бадавлатсиз. Чунки тенгсиз хазинангиз бор. Булар Падари Бузрукворингиз, Волидаи Меҳрибонингиз. Бу «хазина» айниқса ўғил уйлаб, қиз чиқарганда билинади.

***

• Покиза эркак ё аёлнинг юзи фариштали бўлади.

• Сенга тирноқдек ёмонлик қилган одамга сен унинг бўйи баробар яхшилик қилгинки, токи унинг ўзи бундан уялсин.

***

• Онамнинг оналари анча кексайиб қолганларида нуқул қизларига «бир пас ёнимда ўлтиргин, гапларим бирам кўп-ей...» десалар, онам «ишим битсин», дерканлар. Энди эса онамнинг олдиларига борсам, «болам-ей, ҳалеб ишга ун-найверма, ўтириб гапимни эшитгин», дейдилар. Эртами, индин ўзим ҳам шу қўйга тушиб қолишимни ўйласам кўнглим бир орзиқиб кетади.

***

• Қуёв саломни курганмисиз?

***

• Тўгуруқхонадан жигарўшасини бағрига босиб чиққанга нима етсин.

ЕТТИНИНГ «ХИСЛАТИ»

Етти — риёзиёт фанининг асосчиси — ал-Хоразмий ихтиро қилган араб рақамлари (0,1,2,3,4,5,6,7,8,9,10) қаторида саккизинчи ўринни эгаллаган очко рақам.

Етти иқлим — Ер юзини табиатига қараб қисмларга бўлиш усули. Бу усулдан қадимда Марказий Осиё, Эрон, Юнонистон, Ҳиндистонда фойдаланилган. Аллома ал-Хоразмий «Ер сурати» асарида иқлимларни Қуёш нурининг ер юзаси билан ҳосил қилган бурчак ўлчамининг ўзгаришига қараб аниқлаган.

Етти уруғ — ўзбек (қипчоқ)лар таркибида еттита йирик уруғлар бўлган: ойтамғали, қўштамғали, сирғали, қамчили, жувонли, саманотли, чўмичли-тарихда булардан бошқа қабилалар ҳам маълум.

Америка Қўшма Штатлари киночилари «Етти оғайни» фильмини яратганлар.

Амир Темурнинг энг узоқ давом этган адолат учун олиб борган уруши. У тарихда «етти йиллик уруш» номини олган.

Етти кечув — Жиззах вилояти Зомин туманидаги қишлоқлардан бирининг номи. Шу ном билан Зоминсув юқорисидаги чап ирмоқ ҳам аталган. У ўрикли сой билан қўшилиб (Ўрикли қишлоғида) Зоминсувни ҳосил қилади.

Ҳафтияк — Қуръони Каримнинг сўнгги, еттинчи қисми, алоҳида китоб шаклида фойдаланилади.

Тошкент шаҳри 25 йил мобайнида (1840-1865 йил) етти марта қўлдан қўлга ўтган. Шу давр ичида шаҳар ва унинг тасарруфидаги ерлар гоҳ Қўқон хони, гоҳ Бухоро хони ихтиёрида бўлган.

1969 йилдаги «Тошкент оқшоми» газетасининг еттинчи апрель сонида етти кишининг бир кунда фан номзоди илмий даража олиш учун ҳимоя қилажаги эълон қилинган.

Майитни қабрга қўйиб етти қадам юрилгандан сўнг унинг ҳузурига мункарнакирлар ташриф буюрармиш...

Кўзибой ҚОРАБОЕВ.

МУТАХАССИСЛАР ЖАВОБ БЕРИШАДИ

— 31 декабрда қор ёғармикан? Синоптик жавоби:

— Буни фақат бир кун илгари айтамиз.

* * *

— Мактаб раҳбари сифатида айтинг-чи, ўқувчилар мактаб формаси кийиши керакми?

— Яхшиси, буни ўқувчиларнинг ўзидан суранг.

* * *

— Етти ойлик туғилган чақалоқ яшайдими?

— Ўғил боласи яшайди, қизалоғи...

* * *

— Ўқувчингиз дарсда тўполон қилса нима қиласиз?

— Терисини шилиб, совунимга кир ювдираман.

(«Обуначи бурчаги» материалларини Умида ФАЙЗИЕВА саралади).

МИЛЛИОНЕР СПОРТЧИЛАР

• НЬЮ-ЙОРК. *АҚШда нашр этиладиган «Форбс» журнали миллионер спортчилар рўйхатини эълон қилди. Унда 1996 йилда энг кўп маош олган америкалик таниқли чарм қўлқоп қироли Майк Тайсон биринчи ўринни эгаллаб турибди. М. Тайсоннинг йиллик даромади 75 миллион АҚШ долларига тенг.*

«Спорт соҳасидаги миллионерлар» рўйхатида баскетболчи Майкл Жордан иккинчи ўринда туради. Унинг банкдаги ҳисоб варақасида 52,6 миллион доллар бор. 33 миллион доллар соҳиби бўлган германиялик автопойгачи Михаэл Шумахер эса, дунёдаги бадавлат спортчиларнинг учинчиси ҳисобланади.

БМТНИНГ ҚАРОРИ

БМТ. *БМТ Хавфсизлик Кенгаши Гаитидаги тинчликни сақлаш қўшинларини бу мамлакатдан келаси йилнинг август ойида олиб чиқишга қарор қилди.*

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, БМТ 1997 йили Гаитига ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатишни йўлга қўяди.

МАХСУС ҚЎМИТА ТУЗИЛДИ

• ГРОЗНИЙ. *Россия-Чеченистон ҳамкорлигида бедарак йўқолган кишиларни қидириш учун махсус қўмита тузилди. Мазкур қўмитанинг вазифаси асирга олинган ва бедарак йўқолган 3,5 мингга яқин фуқаро ҳамда ҳарбийларни ўз юртига қайтаришдан иборат.*

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

СЕШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Эркатой».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Инглиз тили.
11.00 Она тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 «Фильм суратга олинди». Кинокўрсатув.
12.30 «Фермер». Тележурнал.
13.00 «Хотира». Эрка Қори Каримов.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари».
18.30 «Юртим жамоли».
18.50 Дилнавоз садолар.
19.10 «Спорт, спорт, спорт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Серқуёш, ҳур ўлкам!»
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Бирлашган Араб Амирликлари — Индонезия терма командалари.
22.10 «Санъат дўстликка чорлайди».
22.30 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё кубоги-96. Қувайт — Жанубий Корея терма командалари.
01.30 Тунги тароналар.
01.40—01.50 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Олтин кент».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотинқизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Спорт қитъаси».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 — 00.40 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Сахий ўрмон», «Аждаҳо ва қуёш». Мультфильмлар.
18.30 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Россия жамоат телевиденияси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

19.10 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Зооолимпиада». Мультсериал.

*

Россия давлат телевиденияси
23.00 — 23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Мусиқий дам олиш кўрсатуви.
19.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.45 «Ўзбекистон — жонажон Ватаним!»
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.05 Эълонлар.
21.10 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.40 «Коллаж».
22.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.35 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.05 Эълонлар.
23.10 «Жиллет-спорт».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Санъат дўстликка чорлайди».
8.45 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фармон ва ижро».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили».

*

11.40 «Аёл бахти». Кинокўрсатув.
12.05 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
12.25 «Тонгларга туташган наволар». Мусиқий дастур.
12.45 «Тоғдаги ғор сирлари». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бўғдойзордаги уйча». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битгадир...»
18.25 «15 дақиқа спорт ҳақида».
18.40 «Автоолам».
18.55 «Дилнавоз садолар».
19.05 «Табаррук қадамжолар». Кармана Деҳқарон мажмуаси. IX аср.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. Ўзбекистон — Япония: «Ҳамкорлик қирралари».
21.25 Футбол. Осиё кубоги-96. Саудия Арабистони — Эрон терма командалари.
22.55 «Морена Клара». Телесериал.
23.40 Эълонлар.
23.45 «Ахборот».
00.10 Футбол. Осиё кубоги-96. Ироқ — Таиланд терма командалари.
00.55 Тунги тароналар.
01.05—01.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё буйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Велле» намойиш этади...
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.25 — 00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ғаройиб Гоша». Мультфильм.
18.05 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм. 3-серия.

*

Россия жамоат телевиденияси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

***

19.10 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Зооолимпиада». Мультсериал.

*

Россия давлат телевиденияси
23.05 — 23.35

*

23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.55 «Мультқарусель».
19.05 «Среша».
19.30 «Ер курраси».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё ва болалар».
20.25 «Тошкент оқшомида».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ташрифлар ва таклифлар».
21.30 «Мезон».
22.00 «IV канал эксклюзиви».
22.30 «Қўшиқларим оламни тутар».
22.50 «Гулдаста».
23.10 Эълонлар.
23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Ака-ука Эшжоновлар куйлайди.
8.50 «Буюк келажак сари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Ботаника.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 Умумий биология.

*

12.00 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
12.25 «Ҳазинамиз таянчи».
13.00 «Обидалар — бойлигимиз рамзи». Кинодастур.
13.30 Узбек куйларидан концерт.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
18.40 «Катта танаффус».
19.00 «Акциядор луғати».
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Япония — Хитой терма командалари.
22.50 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
23.05 «Дилнавоз садолар.
23.15 «Одобнома».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё кубоги-96. Ўзбекистон — Сурия терма командалари.
01.25 Тунги тароналар.
01.35—01.45 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хобби-холл».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотинқизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35—14.15 Видео — «О».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10—23.50 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нафосат улашиб». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденияси
18.10—21.00

*

Россия жамоат телевиденияси
8.25 — 10.00

* * *

21.00 — 23.35

*

Россия давлат телевиденияси
23.35—00.05

*

00.05 Эълонлар.
00.10—00.15 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Океандан океангача». USA-круиз.
19.40 «Айчурек».
20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.00 «02» тўлқинида».
21.15 «Интерспорт».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Каталог».
21.45 «Эколот-коктейль».
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.45 Эълонлар.
22.50 «Компьютер-ревю».
23.15 «Эллада».
23.45 «Шико Ито — қоғоздаги шамол оҳанглари». Телефильм (Япония).
00.15 Эълонлар.
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

(Давоми 4-бетда).

МИЛЛИЙ ШЕЪРИЯТИМИЗ ДАРҒАЛАРИДАН БИРИ

Эҳтиром

Аввало, айтиб қўяй, бу ёзганларимни катта шоиримиз ижодига баҳо эмас, балки миннатдор бир шогирднинг шукрона битиклари деб қабул қилишингизни истардим.

Мақолани «миллий шеъриятимиз дарғаларидан бири» деган ибора билан бошладим. Назаримда, Маъруф Жалил шеърияти, ижоди, қолаверса, адабиётдаги ҳар бир қадами айнан шу иборани талаб қилаётгандай, оқлаб тургандай. «Э, ҳамма шоиру адиблар шаклангина миллий, мазмунан эса социалистик адабиёт яратган даврда бизда миллий шоир бормиди?» — деб эътироз қилувчилар топилар. Шуларга айтадиганим: Ҳа, ўша мустабид тузум энг гуллабяшнаб турган пайтда ҳам бизда фақат шаклан миллий бўлибгина қолмай, мазмунан ҳам, фикран ҳам, моҳиятан ҳам жуда миллий, жуда ўзбекона ижод, ўзбекона шеърият бор эди. Ва бундай шеърият дарёсининг соғаси (сувбоши)да турганларнинг бири — айнан шу шоир, Маъруф Жалил бўлди. Исбот керак, дейсизми? «Қишлоғим», «Чинорлар», «Инсон», «Тошкентга», «Фарғона», «Куз боши», «Ватан», «Сен мард бўлсанг...», «Самарқанд», «Тарих билан мулоқот» ва ҳоказо шеърларни ўқинг. Булар фақат шеър сарлавҳалари. Айнан миллий шеърлар. Бундай шеърларни ёзиш учун одам ўзбек бўлиб туғилиши, шу юртда яшаб, шу юртнинг дардига, оҳу воҳига шерик бўлмоғи керак. Бундай шеърларни ёзиш учун эса, яна Маъруф Жалил бўлиб туғилиши керак! Содда, дардчил, тўпори, ҳокисор, мақсадли шеърлар. Эгасига ўхшаган, халқига ўхшаган шеърлар...

Олдинда сирли бир
истиқбол турар,
Сени ҳаёт кутар,
аммо ўйлаб боқ.
Виждон сотиб номинг
чиққандан кўра,
Номинг чиқмагани
яхшироқ...
(«Ота насиҳати» шеъридан).

Иноқ элни пароканда
қилма душмандай,
Сен мард бўлсанг,
пароканда элни бирлаштир!
(«Сен мард бўлсанг»..).

Шу чинорлар эсга солар
Матонатли элимни.
Шу чинорлар эсга солар
Эсдан чиқмас тилимни.
(«Чинорлар»).

Мен Муқанна эдим,
сарбадор бўлдим,
Сўнгра Темур бўлиб
қайта туғилдим.
(«Инсон» шеъри, 1965 йил).

Булар-ку шеърий ижоди. Маъруф ака таржимачиликда ҳам ғоят ибратли ишлар қилди. Бари-бари Ватан тарихини заволлардан асраб-авайлаш, халқ маънавиятини, ўзлигини, тарихини соф сақламоқ учун эди. Эсланг, Ёвдод Илёснинг «Сўғдиёна» асарини ўзбекчалаштирди... Эсланг, Евгений Евтушенконинг ёнаман-ёндираман деб чирсиллаб турган инсонпарвар шеърлари... Эсланг, Кристофор Марлонинг «Буюк Темур» драмаси таржимасига 70-80 йилларда қўл уришининг ўзиёқ — ижодий қаҳрамонлик эмасми?

Маъруф ака ўзининг миллий руҳдаги, ботин фикрли шеърлари, ўлмас таржималари билан ўзига сонсаноқсиз мухлислар орттирди, шогирдлар етиштирди, истиқлол фидойиларини тарбиялашга ҳисса қўшди. Умр бўйи орзиқиб кутган давр — мустақиллик, ҳурлик даврида шоир янада тўлиб-тошиб ижод қилмоқда. Шеърлар, катта асарлар, публицистика, таржималар...

Устозга айтадиган тилагим шу: Ёзадиган даврингиз энди бошланди. Ўзбекни улуғловчи, Ўзбекистонимиз тарихини, бугунини, келажагини куйловчи, маънавиятимизни шарафловчи шеърлар, достонлар ёзиб беришингиз керак ҳали. Ахир ўзингиз айтгансиз-ку:

Сўз билан ўликка
бағишлар нафас,
Касби — адолатнинг
ёнин олмоқлик.
Шеър ёзмоқ-ку унча
шарафли эмас,
Аммо шараф эрур шоир
бўлмоқлик.

Музаффар АҲМАД.

Футбол

ДАЪВОГАРЛАР КЎРИНИБ ҚОЛДИ

Мана бир ҳафтадирки, Бирлашган Араб Амирликлари шаҳарларида Осиё кубоги учун қизғин кураш давом этмоқда. Уч гуруҳга бўлинган 12 мамлакат терма жамоаси қандай бўлмасин курашни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда. Гуруҳларда иккитадан учрашув бўлиб ўтди. Минглаб ишқибозлар умид боғлаган Ватанимиз йигитлари ҳам кеча иккинчи учрашувни ўтказдилар. Улар бу сафар Япония футболчилари билан майдонга тушдилар. Шунингдек, Хитой— Сурия жамоалари ҳам ўзаро куч синашдилар.

Футболчиларимизнинг Хитой терма жамоаси билан учрашуви қизиқарли ва мароқли бўлди. Осиё ўйинлари финалида ўзаро тўп суришган бу икки жамоа ўртасидаги учрашувни муросасиз бўлиши олдиндан кутилганди. Ўзбекистон ўғлонлари Бугало, Давлетов, Магометов, Мамотов (Шарипов), Атоян, Лебедев (Ширшов), Бозоров (Семёнов), Шквирин, Шацких, Денисов ва Ҳасановлардан иборат таркибда майдонга тушдилар.

Аввалига ҳар иккала томон эҳтиёткорлик билан синовчан ҳаракат қилишди. Ташаббус гоҳ Ўзбекистон, гоҳ Хитой футболчиларида бўлди. Малакали ўйин кўрсатишга ҳаракат қилинаётгани кўзга ташланиб турди. Хавфли ҳолатларни ярим ҳимоячи-ю дарвозобонлар вақтида бартараф этишди. Наҳотки, дарвозалар даҳлсиз қолса, деб бетоқат бўлиб турганимизда Хитой жамоаси дарвозаси ёнидаги хавфли ҳолатдан усталик билан фойдаланган Шквирин ҳисобни очди. Ўйин тугашига 12 дақиқа қолганди. Ҳозир ҳакамнинг ҳуштаги чалинади, деб турганимизда эса Шацких уч ўйинчини чалғитиб, ғалабани мустаҳкамлади. Шундай қилиб, футболчиларимиз дастлабки (2:0) ғалабани қўлга киритишди.

Гуруҳларда эса бўлиб ўтган учрашувлардан кейин бош соврин учун курашни давом эттиришга имконияти бўлган ҳамда ғолибликка муносиб даъвогар саналган жамоалар кўзга ташланиб қолди. Хусусан, Саудия Арабистони «машинаси»ни ким тўхтатиб қоларкин? Бу жамоа биринчи учрашувда Таиланд футболчиларини 6:0 ҳисобида доғда қолдиргач, янада руҳланиб, иккинчи ўйинда Ироқ футболчиларини бир тўп ҳисобида мағлубиятга учратишди. Шундай қилиб, Саудия Арабистони дарвозадан биронта ҳам тўп ўтказмай, шиддат билан курашаётган жамоалардан бири бўлиб қолди. Қолган учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди.

БАА — Корея 1:1, Индонезия — Қувайт— 2:2, Эрон — Ироқ — 1:2, Япония— Сурия — 2:1, БАА— Қувайт — 3:2, Корея — Индонезия — 4:2, Эрон— Таиланд — 3:1.

Гуруҳлардаги ҳолат

	Ю	Д	М	Т	О
«А» гуруҳи					
БАА	1	1	0	4-3	4
Корея	1	1	0	5-3	4
Қувайт	0	1	1	4-5	1
Индонезия	0	1	1	4-6	1
«В» гуруҳи					
С. Арабистони	2	0	0	7-0	6
Эрон	1	0	1	4-3	3
Ироқ	1	0	1	2-2	3
Таиланд	0	0	2	1-9	0
«С» гуруҳи					
Ўзбекистон	1	0	0	2-0	3
Япония	1	0	0	2-1	3
Хитой	0	0	1	0-2	0
Сурия	0	0	1	1-2	0

Кўриниб турибдики, икки учрашувдан кейиноқ Саудия Арабистони, БАА, Корея жамоалари учорак финалга йўлланма олишган.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Бола бошидан. Муҳаммад АМИН олган сурат.

Диққат, обуна давом этмоқда!
Азиз юртдошлар!

ОБУНА 97

ОСИЁ БОЗОРИ

Мустақил иқтисодий газетасига 1997 йил учун обуна бўлишни унутманг.

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс : 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80, факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми 4-бетда).

ЖУМА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Пойтахт концерт залларида.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Компьютер сабоқлари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Немис тили.
11.00 Тасвирий санъат.

*

11.30 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.45 «Болажон».
12.00 «Довюрак Хочбар ҳақида қисса». Бадиий фильм.
13.35 «Ёнғиндан сақланинг».
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Болалар учун концерт.
18.30 «Нима учун?».
18.40 «Тақдим».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.05 Жаҳон халқлари қўшиқлари (Сан-Ремо).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 «Ривоят».
21.25 «Ўзбекистон бастакорлари». Мустафо Бафоев.
22.00 «Сакура ва эҳромлар».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Репортаж».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.10 «Мульти-пульти».
9.25 «Таманно».
9.35 «Мулоҳаза учун мавзу». Акбарали Очиловнинг муаллифлик кўрсатуви.
10.00 Видео янгиликлари.
10.20 Видео — «О».
12.00—13.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Хит-парад ва Эълонлар.
23.10—24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Шоҳсупа сари».

*

Россия давлат телевидениеси 18.30—19.50

*

19.50 Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 8.20 —10.00

* * *

20.00 —. 22.30

*

22.30 «Мусиқа ҳамма учун».

*

Россия давлат телевидениеси 22.55 — 23.25

*

23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.05 «Монитор-Осиё».
20.35 Эълонлар.
20.40 Келинг, бир кулишайлик. «Уч тентак ҳангомаси». Бадиий фильм («Коламбия пикчерс», АҚШ). 2-серия.
21.10 «Коинот».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Уй остонадан бошланади».
22.15 «Бу бўстон аро...»
22.45 «Рангинкамон».
23.15 Эълонлар.
23.20 «Муҳжизалар».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Таранним». Мусиқий дастур.
9.05 «Олтин тақа». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.45 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
11.15 «Ёлқин».
11.35 «Хобби».
11.50 «Санъатга бахшида умр». Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимованинг ижодий кечаси (ёзиб олинган).
12.40 «Қувноқ стартлар».
13.20—14.20 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Яхши ният».
19.10 «Сиз севган қўшиқ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Ҳайрат».
21.40 «Азиз сиймолар». Обид Жалилов.
22.00 «Дилнавоз садолар».
22.15 «Ранглар жилоси».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.25 «Орзу-умидлар қироли». Раж Капурни хотирлаб.
22.50 «Турт йўл». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20—15.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
18.55 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жозиба».
20.10 «Дубляж».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 Видео — «О».
23.20 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
23.45—23.55 «Алмисоқдан қолган дўкон».

III

19.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 19.10 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 Опера саҳнаси усталари.

*

Россия давлат телевидениеси 23.00 — 23.30

*

23.30 — 23.40 «Наманган ёдгорликлари». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Ассалом, қуёш!» Болалар рақс ансамбли.
10.55 «Комедиантлар».
11.15 Кинонинг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 1-серия.
12.15 «Клип-антракт».
12.20—12.50 «Рақслар қанотида».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 «Беш дақиқа ўзинг учун».
20.40 Эълонлар.
20.45 Кинонинг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 2-серия.
21.45 «Спектаклдан сўнг».
22.10 «Ассалом, Франция!» Мусиқий ретро. Джо Дассен.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Хит-коллекция».
23.05 «Жиллет-спорт».
23.35 «Бу ажиб дунё».
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.40 «Қувноқлар даврасида»
11.55 «Менга сўз беринг!». Ёшлар учун кўрсатув.
12.45 М. Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 20-кўй.
13.25—14.25 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

* * *

17.35 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги муъжизалар ёки...»
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мусиқа салтанати».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
22.55 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 21-кўй.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ҳафтанома».
00.10 Эълонлар.
00.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
01.50 Тунги тароналар.
02.00—02.10 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Жозиба».
10.35 «Дубляж».
10.50 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дўкон».
11.25 Видео — «О».
13.00—14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти»
18.40 «Дилором наволар».
18.50 «Таманно».
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.10 «Умрбоқий мерос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу». Акбарали Очиловнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео янгиликлари.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Видео — «О».
24.00 Дастур ниҳояси.

III

19.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 19.10 — 21.45

*

21.45 Эълонлар.
21.50 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 Аркадий Райкин билан учрашув.
23.00 — 23.25 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?».
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 Мусиқий Олимп.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. «Френсис». Бадиий фильм.
16.35 «Туризм-ревю».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Мульткарусель».
19.00 «Сенинг вақтинг».
19.30 «Телеташриф».
19.45 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
20.00 «Биргаликда куйлайлик».
21.00 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
21.15 Эълонлар.
21.20 «Иштирок этувчилар».
21.50 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
22.25 «Голливуд-рок».
22.50 Эълонлар.
22.55 Киносалон. Г. Уолтмен «Дракула» бадиий фильмида.
01.05 — 01.10 «Хайрли тун!».

Предприятие реализует со склада в Ташкенте

полотенца ваф. и махр., телогрейки, радиаторы отопительные, паранит, набивку, э/ двигатели, дрели, светильники, лопаты, молотки, кувалды, ключи трубные и др. инструменты, вентиляторы напольные и пром, аккумуляторы щелочные, насосы, задвижки, замки накладные, канцтовары.

Оплата б/н, векс.
Тел/факс: 91-09-92 с 9.00 до 18.00,
54-37-88, 72-04-68 с 20.00 до 23.00.

ТАШКИЛОТ РУҲЛАНГАН ПЎЛАТЛИ

ПРОФНАСТИЛ

ТУНУКАСИНИ СОТАДИ
Қалинлиги - 0,7-0,8 мм,
гофр баландлиги- 35, 57, 75 мм,
узунлиги - буюртмачи хохишига кўра.

БАҲОСИ-БОЗОР НАРХЛАРИДАН АНЧАГИНА ПАСТ!

Тел: (8-3712) 41-82-37. Факс: (8-3712) 41-54-90.

АО «ВТОРЦВЕТМЕТ» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ ПРОИЗВОДСТВЕННАЯ ФИРМА НОВАТОР

Юқори сифатли ва жаҳон андозаларига мос бўлган эмал симларни ҳамда турли автомобиллар — "ВАЗ", "ГАЗ", "ЗИЛ", "ЗАЗ", "Москвич"ларнинг поршенларини ишлаб чиқарувчи, МДҲ ва Ўзбекистон бозорларида пешқадам ҳисобланмиш

"НОВАТОР" фирмаси

дилер ва ҳамкорларни ҳамкорликка чорлайди.

Келишилган нархлар ва Ўзбекистон бозорларида маҳсулотларимизга бўлган талаб сизга кенг имкониятлар яратади.

Мурожаат учун телефонлар:
(3712) 57-44-30, 57-78-55, 57-43-00. Факс: (3712) 58-69-70.

Производственная фирма "НОВАТОР"
АО "УЗВТОРЦВЕТМЕТ"
реализует:
автомобили "Газель" (ГАЗ — 330210 грузовой вариант с тентом)



автомобильные поршни всех моделей и всех ремонтных размеров.

Производит эмаль-провод марки ПЕТВ — 2 и по заказу клиента производит фрионостойкий эмаль-провод марки ПЭФ — 155 для ремонта холодильных установок.

Телефон для справок:
(3712) 57-43-00, 57-78-55, 57-44-30. Факс: 58-69-70.